

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАНЛАР
АКАДЕМИЯСИ МИНТАҚАВИЙ БЎЛИМИ
ХОРАЗМ МАЪМУН АКАДЕМИЯСИ**

**ХОРАЗМ МАЪМУН
АКАДЕМИЯСИ
АХБОРОТНОМАСИ**

Ахборотнома ОАК Раёсатининг 2016-йил 29-декабрдаги 223/4-сон қарори билан биология, қишлоқ хўжалиги, тарих, иқтисодиёт, филология ва архитектура фанлари бўйича докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрлар рўйхатига киритилган

2022-12/4

**Вестник Хорезмской академии Маъмуна
Издается с 2006 года**

Хива-2022

Нафасова В., Жабборов Э. Жанубий Ўзбекистон гидронимларини тадқиқ этишда гидроиндикаторларнинг ўрни	140
Наширова Ш.Б. Инглизча-ўзбекча ва ўзбекча-инглизча ўқув луғатларида кўп маъноли сўз маъноларини фарқлаш муаммолари	145
Расулова З. Ўзбек халқ эртақларида сеҳрли буюмлар семантикаси	148
Рахимов Ж.И. К вопросу об особенностях словообразования в области информационно-коммуникативной технологии в русском и узбекском языках	151
Рахимов Ж.И., Чупанов О.О. К вопросу о возникновении информационно-коммуникативной терминологии в русском и узбекском языке	154
Саидова Н.А. Фэнтези жанрининг тарихий асослари	157
Суярова А.И. Публицистика Шарафа Рашидова	161
Тўраева Д.Д. Ўзбек болалар шеърлятида бадий-эстетик тафаккур	164
Тўраева Д.М. Замонавий пунктуацион тизим тараққиёти	169
Файзиёва А.А. Шахсий ривожланишга оид асарларда вақтга оид концептуал метафораларнинг қўлланилиши	172
Ҳамидова Н.У. Ўзбек халқ ўйинлари номларининг лексик таснифи	175
Худойберганов С.М. Ўрганилаётган тилни самарали ўзлаштиришда сўзлар маъноларини англашнинг функционал аҳамияти	177
Чўлиева Н.А. Назар Эшонкулнинг “Ажр” ҳикоясида замон ва маконнинг рамзий ифодаси	181
Шодиёва Ш.И. Оламнинг сўзлар воситасида концептлашуви	183
Шомуродова З.Р. Терминларни унификация қилишнинг асосий тамойиллари ва параметрлари	186
Эргашева М.Х. Биографик метод ҳақида	189
Эргашева Н.А. Ўзбек ва рус тилларида предлоғли келишиқ тузилмаларининг мантикий ва когнитив хусусиятлари	192
Эргашова С.Э. Эшқобил Шукур шеърлятининг мавзу кўлами	194
Юлдашев Ф.Х. “Маънавият” лексик-семантик категория сифатида	197
Юлдашев Ф.Х. “Маънавият” лексик-семантик категориясининг иерархик манзараси	200
Юлдашева Д.Н. Тиббий эвфемик маънонинг сукут орқали ифодаланиши	203

ФЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Иванова Е.Э. История русского письма. – Екатеринбург: Изд-во Уральского ун-та, 2018. – 190 с., – С. 143-144.
2. Ғозиев Ҳ. Ўзбек пунктуациясининг тарихий тараққиёти. Монография. –Тошкент: Фан. 1979, – 224 б. – Б.133-143
3. Newmark P. Translation No 50. The Theory behind the Work you Do – and How to Use it. Journal: The Linguist April / May, 2008, V.47, No.2, pp.30–33. –P. 30-31
4. Гончарова Н.Н. К вопросу о современных тенденциях в английской пунктуации // Научный диалог. 2018. № 4. – С.54-64. – Б. 56
5. Бахриддинова Б.М. Замонавий ўзбек пунктуацияси асослари. Монография. – Тошкент: Академнашр, 2015. – Б.48-49

УЎК 808.5

ШАХСИЙ РИВОЖЛАНИШГА ОИД АСАРЛАРДА ВАҚТГА ОИД КОНЦЕПТУАЛ
МЕТАФОРЛАРНИНГ ҚЎЛЛАНИЛИШИ

А.А.Файзиева, мустақил изланувчи, Бухоро Давлат Университети, Бухоро

Аннотация. Мазкур мақолада инглиз тилида яратилган шахсий ривожланиш адабиётларида қўлланилган вақтга оид концептуал метафоралар таҳлили келтирилган. ВАҚТ – ПУЛ, ВАҚТ – ЧЕКЛАНГАН РЕСУРС, ВАҚТ – ҲАРАКАТ, ВАҚТ – МАКОН, ВАҚТ – КОНТЕЙНЕР, ВАҚТ – ДУШМАН каби метафорик моделлар таҳлил қилинган асарларда энг кўп учради. Вақт инсон ҳаётининг энг асосий қисми бўлгани сабаб, шахсий ривожланишида вақтни тўғри тақсимлаш, вақтни қадрлаш каби масалалар тез-тез мурожаат қилинган ва ишлатилган концептуал метафоралар саналади.

Калит сўзлар: концептуал метафора, метафорик модель, вақт концепти, шахсий ривожланиш, метафора

Аннотация. В данной статье представлен анализ концептуальных метафор времени, используемых в литературе по личностному развитию, написанной на английском языке. Наиболее распространены в анализируемых произведениях такие метафорические модели, как ВРЕМЯ – ДЕНЬГИ, ВРЕМЯ – ОГРАНИЧЕННЫЙ РЕСУРС, ВРЕМЯ – ДВИЖЕНИЕ, ВРЕМЯ – ПРОСТРАНСТВО, ВРЕМЯ – КОНТЕЙНЕР, ВРЕМЯ – ВРАГ. Поскольку время является наиболее важной частью человеческой жизни, такие вопросы, как правильное распределение времени и ценность времени для личного развития, часто упоминаются и используются в качестве концептуальных метафор.

Ключевые слова: концептуальная метафора, метафорическая модель, концепт времени, саморазвитие, метафора

Abstract. This article presents an analysis of the conceptual metaphors of time used in the literature on personal development written in English. The most common in the analyzed works are such metaphorical models as TIME IS MONEY, TIME IS LIMITED RESOURCE, TIME IS MOVEMENT, TIME IS SPACE, TIME IS CONTAINER, TIME IS ENEMY. Since time is the most important part of human life, issues such as proper time management and the value of time for personal development are often mentioned and used as conceptual metaphors.

Key words: conceptual metaphor, metaphorical model, concept of time, self-improvement, metaphor.

Ж.Лакофф ва М.Жонсон томонидан таклиф қилинган тилнинг когнитив функциясига катта эътибор қаратилган концептуал метафора ҳақидаги дастлабки тушунчасига кўшимча равишда тилнинг коммуникатив функцияси ҳам борлигини таъкидлаш жуда муҳимдир. Маъно фақат тилда сўзловчи бир инсон онгида шаклланмайди, балки у интерсубъектив равишда, яъни шу тилда сўзлашувчи бутун жамият онгида ҳам тузилади. Шундай экан, маъно индивидуал бўлишдан ташқари маданиятга ҳам боғланганини инкор этиб бўлмайди.

Тил концептларни шакллантирувчи восита бўлиш билан бирга мулоқот ўрнатишга хизмат қилувчи алоқа воситаси ҳамдир.

Концептуал метафораларнинг турли дискурслар доирасида олиб борилган тадқиқотларда кейинги йилларда сезиларли силжиш кўзга ташланади. Дискурсга йўналтирилган тадқиқотлар соҳасида метафора ҳодисасига лингвистик бирлик сифатида қаралади. Зотан, тил ҳодисалари нафақат чуқур концептуал билимларни очиб беради, балки улардан фойдаланиш лингвистик бирликларнинг коммуникатив ва дискурсив роли ҳақида ҳам тушунча беради. Метафоранинг дискурсив ҳамда маданий воқеликдаги роли бекиёс, бу эса исталган дискурс доирасида метафоранинг қўлланилиши табиий бўлиш билан бирга, интенционал ва мақсадли эканини кўрсатади. Камерон таъкидлаганидек, метафора дискурсда маълум мақсадни кўзлаб қўлланса ҳам, уларнинг дискурс бўйлаб жойлашуви бир хилда кечмайди, улар кластерлар шаклида дискурснинг махсус ўринларида келади [1; 24]. Корц ва Мейерсга кўра эса метафоранинг кластерлар кўринишида содир бўлиши, дискурснинг уйғунлигини кучайтиради ва натижада метафора матн мазмунини тузиш воситаси ролида фаоллашиб, дискурснинг мазмунини шакллантирувчи ва унинг оқимини белгиловчи мафкуравий ва стратегик аҳамият касб этади [2; 391-408].

Таҳлил остига олинган шахсий ривожланиш адабиётларида дуч келинган вақтга оид концептуал метафоралар куйидаги кўринишларда воқеланиши кузатилди.

Когнитив тилшуносликда вақт концепти тадқиқот объекти сифатида бир неча олимлар ишларида ёритилган. Хусусан, Лакофф ва Жонсоннинг “Metaphors we live by” рисоласида вақт бўйича инглиз тилида мавжуд концептуал метафоралар келтирилган бўлиб, жумладан, TIME IS MONEY/ ВАҚТ – ПУЛ метафорик моделида вақт пул сифатида қаралишини кўриш мумкин. Таҳлил учун танланган “Самарадорликнинг 21 йўли” ҳамда “Дикқат” асарларида юқоридаги метафорик моделнинг воқеланиши кузатилди.

(1) Especially, successful, happy, prosperous people *use their time* far, far better than the average person. (Eat that frog, 6)

(2) When you *run out of time* (a) and the consequences for non-completion of a key task or project can be really serious, you always seem to *find the time* (б) to get it done, often at the very last minute. (Eat that frog, 36)

(3) Jung would rise at seven a.m., Currey reports, and after a big breakfast he would *spend two hours* of undistracted writing *time* in his private office. (Deep work, 4)

Юқоридаги мисоллардан кўринадик, инглиз лисоний оламида вақт тушунчасининг пул тажрибалари орқали тушунилиши шахсий ривожланиш дискурсида ҳам яққол намоён бўлган. Биринчи ва иккинчи мисолларда ишлатилган *use time* (вақтдан фойдаланмоқ), *run out of time* (вақти тугамоқ) ибораларида TIME IS MONEY/ ВАҚТ – ПУЛ метафорик моделининг субшакли TIME IS A LIMITED RESOURCE (ВАҚТ – ЧЕКЛАНГАН РЕСУРС) концептуал метафораси ҳам англашилади. Чунки пулнинг ўзи, энг аввало, чекланган ресурслардан бири саналади. Бунда когнитив кўчиш куйидаги жадвалда кўрсатилган:

1-жадвал

Манба соҳа (Source domain)	→	Мақсад соҳа (Target domain)
Чекланган ресурс	→	Вақт
ресурснинг ишлатилиши	→	вақтнинг ишлатилиши
ресурснинг камайиши	→	вақтнинг камайиши
ресурснинг кўплиги	→	вақтнинг кўплиги
ресурснинг тугаши	→	вақтнинг тугаши

Вақтнинг пулга нисбат берилиши аслида замонавий Ғарб жамиятида индустриализация натижаси бўлиб, инсонларга соатбай ҳақ тўлаш, пулни ишга кетган вақт миқдорига қараб белгилаш тажрибасидан келиб чиққан дея изоҳлаган Лакофф ва Жонсон, мазкур тажрибанинг барча халқ ва маданиятларга хос бўлмаслиги мумкинлигини таъкидлашади [4, 8].

Лакофф ва Жонсон вақтнинг пулга нисбат берилишини яқин ўтмишга боғлашгани бироз мулоҳазали. Чунки Ж.Чосернинг “Кентрбери хикоялари”да келтирилган парчада вақтнинг олтиндан ҳам қимматли экани Сенека давридан қолган фалсафий қараш экани келтирилади. [5]

Демак, ҳозирда инглиз тилида мавжуд мазкур концептуал метафора илдизи саноатлашиш даври эмас, балки ундан бир неча аср илгари пайдо десак тўғрироқ бўлади.

TIME IS MOTION (ВАҚТ – ҲАРАКАТ) вақтга оид яна бир концептуал метафора бўлиб, ВАҚТ – ПУЛ концептуал метафораси сингари мазкур структуравий концептуал метафоралар каторига қўшилади. Абстракт тушунчаларни англаш, мулоқотда уларни вербаллаштириш, уларни гуруҳларга ажратиш, миқдорини кўрсатиш учун инсон ўз тажрибасида мавжуд бўлган моддий борлиқдаги нарса ва субстанцияларга мурожаат қилади. Вақт эса инсонлар тез-тез ишлатадиган концепт сифатида турли контекстда фарқли экспериенчал ҳолатларни акс эттиришини инобатга олган ҳолда энг кўп концептуал метафорага эга тушунчалардан бири саналади. Қуйида вақтнинг инсон ҳис қилиши мумкин бўлган ҳаракат эканлигига мисол келтирилган.

Remember, the *time is going to pass* anyway (Eat that frog, 35)

It's as if I can see *time actually passing through* that windowpane. (Tuesdays with Morrie, 25)

Мисоллардан маълум бўладики, инглиз лисоний ва концептуал оламида вақт доимий ҳаракатдаги объект ва унинг ҳаракатда экани *to pass* (ўтмоқ) феълининг вақтга нисбатан ишлатилишида англашилади. Иккинчи мисолда асар қаҳрамонининг вақтнинг ўтиб кетаётганини дераза ойнасида худди кўриб тургандек экани келтирилган.

Вақтнинг рамзий маънода ҳаракат, борлиқ ва макон нуктаи назаридан тушунилиши бизнинг биологик билимларимизга мос келади. Сабаби кўриш тизимларимизда ҳаракат ва объектлар/жойларни аниқлайдиган детекторлар мавжуд. Бироқ вақтни кўриш учун махсус сезиш рецепторлари мавжуд эмас. Шундай қилиб, вақтни нарсалар ва ҳаракат нуктаи назаридан тушуниш биологик маънога эга.

Шуни таъкидлаш керакки, айрим концептуал метафоралар бир-бирига тескари, яъни антоним сифатида мавжудлигини кўриш мумкин. Айрим ўринларда вақт ҳаракатдаги объект сифатида қаралса, айрим ўринларда TIME IS A SPACE / (ВАҚТ - МАКОН) метафорик модели учрайди, яъни бунда вақтнинг ҳаракатсизлик ҳолати тушунилади.

“My dear and loving cousin ... Your ageless heart as you *move through time*, layer on layer, tender sequoia ...” (Tuesdays with Morrie, 5)

Мисолдаги *move through time* иборасида вақт бир жойда тўхтаб турган объект, инсонлар эса вақт бўйлаб ҳаракатланишини кўриш мумкин. Вақтга ҳаракат нисбати берилганда инсонлар ҳаракатсиз, вақтга ҳаракатсизлик нисбати берилганда эса тескари ҳолат намоён бўлади. Аммо иккала концептуал метафора қўлланишига кўра биринчи ҳолат кўпроқ ишлатилади, сабаби вақт ўтиши одатда вақт ресурснинг камайишига ишора қилади ва шахсий ривожланишга оид адабиётларнинг мақсадидан келиб чиқилса, инсоннинг вақтни қадрлаши, ундан самарали фойдаланишига имплицит ундашни кўриш мумкин. Вақт ҳаракатсиз объект сифатида эса одатда ўтмиш ҳақида гапирганда мурожаат қилинади.

Вақтга оид яна бир энг кўп учрайдиган концептуал метафора TIME IS A CONTAINER (ВАҚТ - КОНТЕЙНЕР) метафорик модели бўлиб, бунда вақтнинг ўз ичида турли нарсалар (воқеалар одатда)ни сақловчи идиш сифатида тавсифланиши тушунилиб, инглиз тилида вақт мазмунидаги сўзлар олдида ишлатилувчи предлоглар вақтнинг мазкур сифатига ишора қилади [3, 53].

Within one year of starting in sales, I was a top salesman. (Eat that frog, 7)

In all the years I have listened to my wife sing, I never heard her the way he did *at that moment*. (Tuesdays with Morrie, 35)

Мисоллардан маълум бўладики, *within one year* (бир йилда, бир йил ичида), *in all the years* (йиллар давомида), *at that moment* (ўша лаҳзада) ибораларида инглиззабон халқ онгида воқеа ҳодисалар маълум вақт ичида содир бўлиб, вақт уларнинг ҳаммасини ўз ичида сақловчи идиш кўринишида вербаллашади.

Ҳар қандай концептуал метафоранинг ҳосил бўлиши инсоннинг биологик, яъни ўзини жисмонан англаш тажрибасидан келиб чиқади. Борлиқдаги мавҳум ҳодисаларни контейнер ёхуд идиш метафоралари ёрдамида англашимизга сабаб инсоннинг жисми борлиқда идиш

сингари мавжудлиги, воқеа, ҳодиса, объектлар ёки шу идишнинг ичида ёки унинг ташқарисида содир бўлиши нуқтаи назаридан изоҳланса мантиқан тўғри бўлади.

Вақтга оид таҳлилга тортилган концептуал метафоралардан бири бу TIME IS AN ADVERSITY / ВАҚТ - ДУШМАН бўлиб, вақт ҳақида онгимизда шаклланган тушунчалардан бири вақтнинг маълум вазиятларда инсонга қарши ишлаши, душман шаклига кириши.

He was using a wheelchair now, and he was *fighting time* to say all the things he wanted to say to all the people he loved. (Tuesdays with Morrie, 5)

Маълум вазиятларда киши ўз вақтига пул, қимматли ресурс сифатида қараса, айрим ҳолларда уни душман сифатида тасаввур қилади ҳамда ушбу ҳолатда у вақтга қарши курашади (to fight time). Концептуал метафораларнинг ўзига хос томони шундаки, уларда манба соҳадан олинган тажрибалар мақсад соҳанинг айрим хусусиятини очиб беради, яъни юқорида келтирганимиз Х бу У модели сифатида ишлайди. Бу икки соҳанинг айнан бир хил бўлиши мумкин эмас, чунки мақсад соҳа манбанинг айни ўзи бўлганида Х бу Х модели вужудга келар ва биз айни бир концептни тушунаётган бўлар эдик.

Хулоса қилиб айтганда, ВАҚТ – ПУЛ, ВАҚТ – ЧЕКЛАНГАН РЕСУРС, ВАҚТ – ҲАРАКАТ, ВАҚТ – МАКОН, ВАҚТ – КОНТЕЙНЕР, ВАҚТ – ДУШМАН каби метафорик моделлар таҳлил қилинган асарларда энг кўп учрайдиган концептуал метафоралар сирасига киради. Вақт инсон ҳаётининг энг асосий қисми бўлгани сабаб, шахсий ривожланишда вақтни тўғри тақсимлаш, вақтни қадрлаш каби масалалар тез-тез мурожаат қилинган ва ишлатилган концептуал метафоралар саналади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Cameron L. Metaphor in educational discourse [Advances in applied linguistics]. London/New York: Continuum, 2003. –P.24.
2. Corts D., Mayers K. Conceptual clusters in figurative language production. Journal of Psycholinguistics Research 31(4): 2002. –P. 391-408.
3. Golfam A., Ghorbanpour A., Mahdipour N. A comparative study of the conceptual metaphors of time in Persian and English. Journal of Applied Studies in Language, Volume 3 Issue 1, 2019. —P.53.
6. Lakoff G., Johnson M. Metaphors we live by. University of Chicago Press. 1981. – P.7-8.
6. <https://chaucer.fas.harvard.edu/pages/man-laws-introduction-prologue-tale-and-epilogue>

УЎК 808.3

ЎЗБЕК ХАЛҚ ЎЙИНЛАРИ НОМЛАРИНИНГ ЛЕКСИК ТАСНИФИ

Н.У. Ҳамидова, катта ўқитувчи, Навоий кончилиқ ва технологиялари университети, Навоий

Аннотация. Мақолада умуман тасниф, халқ миллий ўйин номларининг, уларнинг лексик таснифлари масалаларига тўхталинган. Миллий халқ ўйинларининг номларини ҳолатига кўра лексик жиҳатдан ҳам таснифлаш ҳамда ўйинларнинг пайдо бўлиши ўрни, шаклланиши ҳолати ҳамда номлари, номланиши каби жараёнларга нисбатан лексик жиҳатдан таснифий кўринишларга бўлиниши мақолада ўз ифодасини топган. Бу эса ўйин номлари, уларнинг номланиши масалалари анча мураккаб жараёнлигини англатиб турибди.

Калит сўзлар: халқ ўйин номлари, тасниф, жарён, миллийлик, лексик жиҳат.

Аннотация. В данной статье рассматриваются вопросы общей классификации, классификации национальных игровых названий, их лексической классификации. В статье представлена лексическая классификация названий народных игровых названий по их статусу, а также их деление на формы лексической классификации в зависимости от места возникновения, состояния формирования и таких процессов, как названия и наименования игр. Это означает, что названия игр и вопросы их именования - очень сложный процесс.

Ключевые слова: народные игровые названия, классификация, течение, народность, лексический аспект.

Abstract. This article focuses on the issues of general classification, classification of national game names, and their lexical classification. The article presents the lexical classification of the names of national folk games according to their status, as well as their division into lexical classification forms in relation to the processes such as the place of appearance, the state of